

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



ТЕЛЕВИЗИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

10 ЙИЛ



Тузувчилар: Нуралиев Ф.М.
Муҳаммадиев А.Ш.
Базарбаев Б.Ж.
Сиддиқов И.Х.
Холмедов Х.М.

Компьютер дизайнери: Модуллаев Ж.С.

Compilers: Nuraliyev F.M.
Mukhamadiev A.SH.
Bazarbaev B.J.
Siddikov I.Kh.
Xolmedov. Kh.M.

Computer Designer: Modullayev J.S.

Ушбу тўплам

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ илмий кенгаши қарори билан
нашрга тавсия этилган.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Т.З.Тешабаевнинг Телевизион технологиялари факультетининг 10 йиллик юбилейи муносабати билан табриги

Ахборот коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши теле ва медиа оламига ҳам жуда катта таъсир қилмоқда. Инновацион технологиялар ривожига жаҳон медиа маконига янги, ҳар тамонлама давр ва замонага мос рақамли технологияларни тақдим этмоқда. Ваҳоланки, бундай илғор технологиялар билан ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш умуман олганда, ҳам давримизнинг, ҳам таълим тизимининг муҳим ва долзарб масалаларидан биридир.

Бугунги кунда Университетимизда фаолият юритаётган Телевизион технологиялар факультети талабаларга телевизион технологиялар, аудиовизуал технологиялар, телестудия тизимлари ва иловалари, видеотехнологиялар ҳамда замонавий медиа маҳсулотлар бўйича таълим бераётган факультет ҳисобланади. Муболаға эмаски, мазкур факультет нафақат университетимизда, балки Республикаимизда телевизион технологиялар соҳасида кенг салоҳиятли ва имкониятли мутахассисларни тайёрлаб берадиган ягона таълим масканидир.

Таъбир жоиз бўлса айтиш керакки, ушбу факультет профессор-ўқитувчилари, нафақат, Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида мавқега эга бўлган, теле ва медиа оламида юқори натижаларга эришаётган мутахассисларни етиштириб чиқармоқда. Бу, албатта талабаларимизга телевизион технологиялари бўйича замонавий билимлар бераётган фидокор профессор-ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари самарасидир.

Юксак ишонч билан айта оламаники, Университетимизнинг етакчи факультетларидан ҳисобланган Телевизион технологиялар факультети, нафақат, мамлакатимиз миқёсида, шунингдек, жаҳон миқёсида телевизион технологиялар, аудиовизуал технологиялар, телестудия тизимлари ва иловалари, видеотехнологиялар ҳамда замонавий медиа маҳсулотлар йўналишида ўз ишининг устаси бўлган, юксак билим ва зеҳнга эга, креатив, шижоатли мутахассисларни етиштириб чиқараверади. Бу эса Республикаимизда юқори малакали кадрларга бўлган талабни қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Телевизион технологиялар факультети жамоасига келгуси фаолиятида ўзимнинг самимий тилакларимни билдириб қоламан.

Ректор Т.З.Тешабаев

ТЕЛЕВИЗИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ФАКУЛЬТЕТИ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов 2009 йил 1 апрелда 1088-сонли “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида” деб номланган Қарорни имзоладилар. Бу Қарорга асосан 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида қуйидаги бакалаврият таълим йўналишлари: кинотелеоператор, махсус ёритиш технологиялари, аудиовидео технологиялар, компьютер графикаси ва овоз ёзиш технологиялари бўйича Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) корхоналари учун кадрлар тайёрлайдиган "Телевизион технологиялари" факультети ташкил этилди. Бундан ташқари Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси корхоналарида амалий жиҳатдан тажрибали ўрта махсус маълумотли мутахассисларнинг ишлаётганлиги эътиборга олиниб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 4 июндаги олий таълим муассасаларига 2009-2010 йилги ўқув йилга қабул қилиш тўғрисидаги ПҚ-1123 сонли Қарори билан юқорида келтирилган бешта йўналиш бўйича уч йиллик махсус сиртқи таълим ташкил этилди.



Ректор Т.З.Тешабаев киноижодкор Шухрат Аббосов билан учрашувда

Факультетга 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб биринчи босқичга кундузги ва махсус сиртқи таълим бўйича талабалар қабул қилинди. Янги факультетда ўқув жараёнини ташкил этишда университет раҳбарияти ва ўқув-методик бошқарма томонидан алоҳида эътибор берилди. Айниқса ўқув-методик бошқарма бошлиғи А.Қ.Эргашев, ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи М.С.Сапаев, факультетнинг биринчи декани

А.Д.Абдурахимов, ўқув ишлари бўйича декан муовини Ф.М.Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон киноарбоблари уюшмаси аъзоси, Тошкент давлат санъат ва маданият институти “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедраси профессори А.И.Исмаиловларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим.



Факультет декани Ф.М.Нуралиев

Яна шуни таъкидлаш лозимки, 2010-2011 ўқув йилида 2-босқич махсус сиртки ва кундузги таълим талабалари учун ихтисослик фанларини ўқитишда “Физика” кафедрасининг мудирини физика-математика фанлари доктори, профессор Қ.П.Абдурахманов, “Компьютер тизимлари” кафедраси мудирини техника фанлари доктори, профессор М.М.Мусаев, “Телевидение ва радиоэшиттириш” кафедраси мудирини профессор Т.Г.Рахимов ва шу кафедранинг доценти М.З.Зупаров, “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси мудирини техника

фанлари доктори, профессор А.Х. Нишанов, декан муовини И.П.Парманкуловларнинг хизматлари катта бўлди.

2011 - 2012 ўқув йилидан бошлаб факультет таркибида бешта кафедра: «Физика», «Ўзбек ва рус тиллари», «Жисмоний тарбия ва спорт» ҳамда янги ташкил этилган иккита ихтисослик – «Телевидение ва радиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари», «Компьютер графикаси ва дизайн» кафедралари фаолият юритдилар. «Телевидение ва радиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари» кафедрасида “Кинотелеоператорлик” ва “Махсус ёритиш технологиялари” таълим йўналишлари, “Компьютер графикаси ва дизайн” кафедрасида “Аудио-видео технологиялар”, “Компьютер графикаси ва дизайн” ҳамда “Овоз ёзиш технологиялари” таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бунда алоҳида шуни таъкидлаш лозимки “Махсус ёритиш технологиялари”, “Аудио-видео технологиялар”, “Компьютер графикаси ва дизайн” ҳамда “Овоз ёзиш технологиялари” таълим йўналишлари бўйича республикада биринчи марта бакалаврлар тайёрлаш бошланди.



Ўқув-методик бошкарма бошлиғи А.Қ.Эргашев

2012 йилдан факультетда декан лавозимида Ф.М.Нуралиев, ўқув ишлар бўйича декан муовини лавозимида И.С.Парманкулов, маънавий ва тарбиявий ишлар бўйича декан муовини лавозимида И.Ш.Набиевлар фаолият юрита бошлашди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 26 мартдаги «Ахборот - коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1942 сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 28 июндаги «Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг худудий филиалларининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 188-сон қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети факультетлари таркиби янгидан қайта ташкил этилди. Жумладан Телевизион технологиялар факультетига «Физика» ва «Энергия таъминлаш тизимлари» умумтаълим кафедралари ҳамда «Телевидение ва радиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари» ва «Компьютер графикаси ва дизайн» кафедралари асосида қайта ташкил этилган «Телестудия тизимлари ва иловалари» ва «Аудиовизуал технологиялар» мутахассислик кафедралари бириктирилди. Бу кафедраларга янги бакалаврият таълим йўналиши «Телевизион технологиялар («Аудиовизуал технологиялар», «Телестудия тизимлари ва иловалари») бўйича бакалаврлар тайёрлаш вазифаси юклатилди. Мутахассислик кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан бу йўналишнинг таълим стандарти замон талаблари асосида ишлаб чиқилди ва шу асосда намунавий ўқув режа ва ишчи ўқув режалардаги умумқасбий ва ихтисослик блокларига янги фанлар киритилди. Кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан бу фанларнинг намунавий дастурлари ва у асосида ишчи дастурлар тайёрланди.

2013-2014 ўқув йили қабулидан бошлаб абитуриентлар математика, физика ва инглиз тили фанларидан тест синовлари топширмақдалар. Юқори курс талабалари учун мутахассислик кафедралар ўқитувчилари томонидан айрим мутахассислик фанларининг маърузалари инглиз тилида ўқитилмоқда. Ихтисослик фанларидан амалий ва лаборатория машғулотлари «O‘zbekiston MTRK Mediamarkazi» давлат унитар корхонасида ўтилмоқда. Факультетда 2012 йилдан бошлаб мунтазам равишда талабаларининг ўқув жараёнида



**Факультетнинг биринчи декани
А.Д.Абдурахимов**

тайёрлаган фотосуратлари кўргазмаси ўтказилди, энг яхши фотосуратлар муаллифлари эсдалик совғалар билан тақдирланмоқда.



Телевизион технологиялар факультети ходимлари МТРК вакиллари билан

Телевизион технологиялар факультети жамоаси қисқа вақт ичида бир қатор ютуқларга эришдилар. Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси мудир Б.Базарбаев – Huawei компанияси номдор мукофоти совриндори, Аудиовизуал технологиялар кафедрасининг профессори Б.Бекназарова – Энг яхши дастурий таъминот совриндори бўлишган. “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедраси мудир, техника фанлари доктори, профессор И.Х.Сиддиқов Ўзбекистон республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан ҳар йили ўтказилиб келаётган “Янги интеллект” энг яхши интеллектуал мулк объекти танловининг “Энг яхши ихтиро” номинацияси бўйича “Токни кучланишга ўзгартириш” ихтироси учун I-даражали диплом билан тақдирланган. Ушбу кафедра доценти Х.А.Саттаров “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” республика танловида Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда “Истеъдод” жамғармасининг II-даражали диплом совриндори бўлди. Ёш авлодни Ватанга фидойий, маъсулиятли ва баркамол авлод қилиб етиштиришдаги беминнат хизматлари учун “Энергия таъминлаш тизимлари” кафедрасининг доценти М.Сапаев Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари билан ва катта ўқитувчиси Е.А.Борисова Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланишган. Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси ассистенти

Д.Умарова, Аудиовизуал технологиялар кафедраси ассистенти О.Нарзуллаев, Энергия таъминлаш тизимлари кафедраси ассистенти Р.Рахмонбердиев– Жанубий Кореянинг нуфузли университетларида малака ошириб келдилар. Телевизион технологиялар факультетининг бир қатор талабалари, жумладан А.Жўрабоев ва Д.Ибрагимова – Huawei компанияси томонидан Хитойда ташкил қилинган 2 ҳафталик тренинг қатнашчилари, М.Махаммаджонов – Беруний номидаги номдор стипендияси ҳамда Вазирлик стипендияси ғолиби, SAMSUNG KOICA компаниясининг совриндори, Ш.Ташметов – Huawei компаниясининг номдор премияси совриндори, С.Ибодуллаев Беруний номидаги номдор стипендияси ғолиби, Д.Ибрагимова ва Ю.Истамов – Вазирлик стипендияси номзодлари, М.Бекмирзаева – Ал-Хоразмий номидаги номдор стипендия, талаба Т.Гимранов тайёрлаган хужжатли фильм – IX – ТошкентХалқаро Фестивали «Спорт кинода в телевидениеда»да диплом совриндори ва бир қатор талабалар туфузли танловлар ғолиблари бўлишган.



Телевизион технологиялар факультети деканати (декан Ф.М.Нуралиев, декан муовинлари И.Набиев, И.П.Парманкулов, О.Нарзуллаев, Ф.Кодиров)

Ҳар бир ўқув йилида факультет профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун таниқли ижодкорлар томонидан маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Жумладан Ўзбекистон телерадиоканали бош редакторининг ўринбосари Гулшод Ибрагимова, таниқли киноижодкорлар Шухрат Аббосов (марҳум), Фарид Давлетшин, Эдуард Давыдов, Жасур Исақов ва Мастура Исақова, Темирбек Бикназаров, Али Хамраевлар билан

учрашувлар ташкил қилинди ва улар томонидан профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун маҳорат дарслари ўтиб берилди.

Факультетнинг битирувчи талабаларининг Битирув ишлари ҳимоялари жараёни соҳа корхоналаридан салоҳиятли, тажрибали ходимлариштироқида ўтказилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон МТРК “Маданият ва маърифат телеканалли” ДУК “Илмий-маърифий дастурлар” муҳарриятининг катта муҳаррири Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган артист Г.Ф.Мусаджанова, “Ўзбекистон МТРК Медиа-маркази” ДУК Информацион телерадио кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиш бўлимининг етакчи мутахассиси Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган маданият ходими К.Ў.Арипов, “Ўзбеккино миллий агентлиги”да бош муҳаррир Ф.Г.Тураходжаева ва бошқалар.

Факультет кафедраларида илмий, ўқув-услубий ва маънавий-маърифий ишлар соҳаларида ҳам кенг кўламда ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йил ичида факультет профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти 16% дан 32% гача ошди, улар томонидан 15 та монограиф ва дарсликлар, 20 тадан ортиқ ўқув қўлланмалар, улардан 15 таси гриф асосида чоп этилди, 150 дан ортиқ илмий мақолалар нуфузли журналларда эълон қилинди. Факультет профессор-ўқитувчилари томонидан 10 га яқин илмий ишланмаларга патентлар ва ихтиро учун гувоҳномалар олинган.



Телевизион технологиялари факультети жамоаси

ТАТУ ва Жанубий Кореянинг Медиа ва Саънат (KUMA) университети билан тузилган шартнома асосида Аудиовизуал технологиялар ва Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраларининг ўқитувчилари: А.Мухамадиев, Ф.Саидов, Б.Базарбаев, Э.Хасановалар, ҳамда университет ва Жанубий Кореянинг нуфузли илмий текшириш

институти (ETRI) билан тузилагн меморандум асосида Ф.Нуралиев малака оширишда бўлдилар.



**Жанубий Кореянинг Медиа ва Саънат (KUMA) университети билан ҳамкорлик
(факультет ходимлари KUMA университети президенти қабулида)**

Телевизион технологиялар факультетда Япония давлати (JICA агентиги) ҳамкорлигида “Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ўқув Медиамаркази”ни яратиш лойиҳаси доирасида 1,6 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Европа ҳамкорлик жамиятининг ERASMUS+ дастури асосида “Modernization of the Curricula in sphere of smart building engineering – Green Building (GREB)”. Россия Федерацияси нуфузли университетлари билан тузилган ҳамкорлик доирасида ТУСУР (Томск) ва факультетнинг Физика кафедраси биргаликда “Физика фани бўйича лаборатория стендларининг кичиксерияли ишлаб чиқаришнинг технологик маршрутнинг техник-иқтисодий текширишларини ва асосий талабларини ишлаб чиқиш” ва “Физика фани бўйича лаборатория стендларини тайёрлаш ва етказиб беришни, конструкторлик-техникавий хужжатларини ишлаб чиқиш”(“Разработка технико-экономического обследования и основных требований технологического маршрута мелкосерийного производства лабораторных стендов по физике” ва “Разработка конструкторско-технической документации, изготовление и поставки лабораторных стендов по физике”) лойиҳалари амлга оширилмоқда.

Телевизион технологиялар факультетининг бир қатор профессор-ўқитувчилари жумладан Физика кафедраси ўқитувчиси В.Хамидов, Аудиовизуал технологиялар кафедраси ўқитувчилари С.Бекназарова, Б.Тураев, Ш.Қосимова Республикада Йилнинг энг яхши педагоглари бўлишган. Факультетда олиб бирлаётган илмий ишлар доирасида 4 та докторлик (DCs) диссертацияси (И.Сиддиқов, С.Бекназарова, Ф.Нуралиев, Ш.Анарова)

хамда 4 фалсафа доктори (PhD) (Т.Асфандияров, Б.Тураев, О.Очилова, Х.Хужаматов) ХИМОЯ қилишди.



Телевизион технологиялари факультети Наврўз тадбирларида

Факультет битирувчилари асосан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги корхоналарида телеоператор, ёритиш устаси, монтажчи каби лавозимларда фаолият юритмоқдалар. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият-маърифат” телеканалида режиссёр-оператор лавозимида Дониёр Арипов, “Дунё буйлаб” телеканалида бош оператор лавозимида Салоҳиддин Нажмиддинов, “Ёшлар” телеканалида оператор лавозимида Эльёр Абдукамилов, “Ўзбекистон” телеканалида оператор лавозимида Кодир Рискиев, Андижон вилояти ТРҚда бош оператор лавозимида Элдор Хусанов, Қашқадарё вилоят ТРҚда “UzReport” хусусий телеканалида оператор лавозимида Гавхар Джурабаева каби битирувчи талабаларни санаб ўтиш мумкин.



Телевизион технологиялар факультети Ёшлар иттифоқи тадбир ғолиблари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ тўртинчи йўналишининг тўртинчи бўлимида келтирилган меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали компетент кадрлар тайёрлаш соҳасида, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5349-сон Фармони, 2018 йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-3549-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг кредит тизимини жорий қилиш орқали университетни жаҳоннинг нуфузли университетлари қаторига киришини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 569 – сон қарорлари асосида университет шу жумладан факультет профессор-ўқитувчилари олдига жуда катта вазифалар қўйилган. Факультет жамоаси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, олий ва олий таълимдан кейинги таълим тизимида Ўзбекистоннинг, шу жумладан университетимизнинг халқаро Болонья жараёнига қўшилиши учун яратилган шарт-шароитлар асосида кредит тизими талабларига мувофиқ кафедраларда анъанавий ўқув тизими ўрнига кредит тизими киритилиши борасида ўқув жараёни қайта ташкил этилмоқда.



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ўқув Медиамаркази очилиш маросими



Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ўқув Медиамаркази очилиш маросими

АУДИОВИЗУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР КАФЕДРАСИ

“Аудиовизуал технологиялар” кафедраси 2011 йилда “Телевизион технологиялар” факультети таркибида “Компьютер графикаси ва дизайн” номи билан мутахассислик кафедраси сифатида ташкил этилган. 2011 йилда кафедрани техника фанлари доктори Ф.М.Нуралиев кафедра мудир сифатида бошқара бошлади. Ушбу мутахассислик кафедрасида куйидаги: “Компьютер графикаси ва дизайн”; “Аудио-видео технологиялар”; “Овоз ёзиш технологиялари” таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ва 2012-2014 ўқув



**физика-математика
фанлари номзоди, доцент
А.Ш.Мухамадиев**

йилларида “Компьютер графикаси ва дизайн” магистратура мутахассислиги бўйича юқори малакали магистрлар тайёрланган. Кафедра фаолиятининг биринчи йилларида “Компьютер графикаси ва дизайн”, “Компьютер графикаси ва дизайннинг амалий дастурий воситалари”, “Аудио ва видео монтаж”, “Кино ва телевиденияда монтаж”, “Компьютер графикаси ва дизайннинг махсус эффектлари”, “Аудиоёзувлар монтажи ва муҳаррирлаш”, “Фонограмма ва овоз монтажи” каби махсус мутахассислик фанлари ўқитилган. Кафедранинг таълим йўналишларининг таълим стандартларини ишлаб чиқиш, ўқув режаларини

хамда ўқув режасидаги фанларнинг ўқув-услубий таъминотини шакллантириш ва кафедра ўқув-услубий фаолиятни йўлга қўйишда техника фанлари доктори Ш.А.Назирова, техника фанлари доктори Ф.М.Нуралиев, химия фанлари номзоди Т.Х. Рахимовларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим.

2013-2014 ўқув йилидан бошлаб кафедра номи “Аудиовизуал технологиялар” деб эътироф этила бошланди ва кафедрани физика-математика фанлари номзоди, доцент А.Ш.Мухамадиев бошқара бошлади. 2013 йилда ривожланган давлатларнинг турдош олий таълим мусасалари тажрибаси асосида “Телевизион технологиялар” (“Аудиовизуал технологиялар”) бакалаврият таълим йўналишининг ўқув режаси, таълим стандарти ва малака талаблари ишлаб чиқилди ва шу йилдан бошлаб бу кафедрада “Телевизион



**техника фанлари доктори
Ф.М.Нуралиев**

технологиялар” (“Аудиовизуал технологиялар”) бакалаврият таълим йўналиши бўйича

кадрлар тайёрлай бошланди. Таълим йўналиши ўқув режасидаги фанларнинг ўқув-услубий мажмуалари, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар тайёрланиб, нашр этилди. Бу вақт мобайнида кафедра профессор-ўқитувчилар таркибига ишлаб чиқаришининг етакчи мутахассислари, илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий даражали ходимлари, университетнинг магистратура мутахассисликлари битирувчилари билан тўлдирилди.



Кафедра профессор-ўқитувчилари жамоаси

Кафедра илмий фаолиятини йўлга қўйиш, кафедра профессор-ўқитувчилари таркибини компетент кадрлар билан таъминлаш ҳамда Республикада олий малакали магистрларга бўлган эҳтиёжларни қондириш мақсадида, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб кафедрада “Аудиотехнологиялар” ва “Видеотехнологиялар” магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.



Кафедра профессор-ўқитувчилари иш жараёнида

Бу магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ривожланган давлатларнинг турдош олий таълим муассасалари (Корея Республикаси, Япония, Буюк Британия)нинг ижобий тажрибалари ва соҳа корхоналарининг таклифлари асосида шакллантирилди. Магистрантларга ўқитиладиган мутахассислик фанларининг сифати даражасини ошириш мақсадида кафедранинг илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилари техника фанлари докторлари Ф.М.Нуралиев, Ш.А.Анарова, С.С.Бекназарова, физика-математика фанлари номзоди А.Ш.Мухамадиевлар билан бир қаторда университет хузуридаги “Ахборот коммуникация технологиялари илмий инновацион марказ”нинг етакчи ходимлари - техника фанлари доктори Н.Равшанов, техника фанлари номзоди Н.Мирзаев, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) А.Хамроевлар ўқув жараёнига жалб қилинди.

Ўтган вақт мобайнида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан таълим йўналиши ўқув режасидаги фанлардан 30 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланиб, чоп этилган. Ўқув режасидаги асосий фанлар учун Ш.А.Назирова, Ф.М.Нуралиев, Б.З.Тўраевлар томонидан “Компьютер графикаси” номли, А.Ш.Мухамадиев, Б.З.Тўраевлар томонидан “Уч ўлчовли моделлаштириш ва рақамли анимация” номли, А.Ш.Мухамадиев, С.С.Бекназарова, Г.А.Қаюмовалар томонидан “Масс медиа коммуникация” номли ўқув қўлланмалари тайёрланиб, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ОЎМТВ) мувофиқлаштирувчи кенгаши қарори асосида чоп этилди.



Овоз ёзиш лабораториясида овоз ёзиш жараёни

Кафедрада ўқитиладиган фанларнинг лаборатория машғулотлари сифатини талаб даражасида ташкил этиш учун компьютерлар жамламаси билан жиҳозланган компьютер синфлари ҳамда овоз ёзиш ва қайта ишлашга мослаштирилган лаборатория синфи

фаолият кўрсатмоқда. Талабаларнинг олган назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ва уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, кафедрада Ш.Алламова, Ж.Модуллаевлар раҳбарлигида “Компьютер графикаси”, А.Мухамадиев, С.Қурбонов, А.Бахромовлар раҳбарлигида “3D моделлаштириш ва анимация”, Ф.Саидов, Ш.Рахимовлар раҳбарлигида “Аудио-видео монтаж”, О.Нарзуллаев, Б.Боймуродовлар раҳбарлигида “Овоз ёзиш технологиялари” фан тугараклари ташкил қилинган. “Компьютер графикаси” фанидан ўтказиб келинаётган Республика фан олимпиадасида 2013 йилда Ф.М.Нуралиев раҳбарлигида талаба П.Сарвардинов, 2014 йилда Г.А.Қаюмова раҳбарлигида талаба З.Абубакиров, 2015 йилда А.Мухамадиев раҳбарлигида талаба М.Махамаджонов, 2016 йилда Б.Тўраев раҳбарлигида талаба Ж.Абдусаломов, 2017 йилда Ж.Модуллаев раҳбарлигида талаба Р.Бобомуродов, 2018 йилда А.Мухамадиев раҳбарлигида талаба С.Убайдуллаевлар фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди.



Талабалар лаборатория машғулотида

Кафедранинг профессор-ўқитувчиларидан С.Бекназарова, Г.Қаюмов, А.Мухамадиев, Ф.Нуралиев, Ш.Қосимова ва бошқалар иқтидорли талабалар билан тизимли ишлашни йўлга қўйиб фаолият олиб боришмоқдалар. Уларнинг самарали меҳнатлари натижасида иқтидорли талабалари бир қатор танловларда фахрли ўринларни қўлга киритишмоқдалар.

Кафедра иқтидорли талабалари Халқаро ва республика танловларда иштирок этишиб, юқори натижаларни қўлга киритишган, жумладан:

- Кафедра магистранти Г.Ташмухамедова 2014 йилда Қозоғистон Республикасида ўтказилган халқаро магистрлик ишлари танловида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди;

- Кафедра талабаси М.Махамаджонов 2014 йилда ўтказилган ТАТУ KOICA ва SAMSUNG компаниялари билан ҳамкорликда “Дастурий таъминот ТАТУ-2014” танловида ўзининг “Маҳалла фуқаролар йиғини ишини автоматлаштириш” дастури билан катнашиб, фахрли 3-ўринни эгаллаган бўлса, 2015 йилда ўтказилган “Intellectual generation of Uzbekistan” номли танловда совриндор бўлди;

- Кафедра талабаси С.Ибодуллаев 2017 йилда “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IX Республика ярмаркаси”да фаол иштирок этиб Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта-махсус таълим Вазирлиги томонидан диплом билан тақдирланди;

- Кафедра бакалавр талабаси У.Нураддинов “Mit.uz robot wars 2016” да “Mini-sumo Robots” номинацияда учинчи ўрин соҳиби, Марказий Осиё Республикалари ўртасида робототехника бўйича биринчи марта ўтказилган “Central Asia robotics challenge” танловида биринчи ўрин соҳиби, 2018 йилда “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар X Республика ярмаркаси”да энг яхши функционал робот муаллифи номинацияси бўйича фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлган.

Кафедранинг иқтидорли талабалари турли номдор стипендиялар соҳиби ҳам бўлишган, хусусан:

- Кафедранинг бакалавриат босқичи талабалари М.Махамаджонов 2016 йилда, С.Ибодуллаев 2017 йилда “Беруний” номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлишган;

- Кафедра бакалавриат талабаси М.Бекмирзаева 2017 йилда “Мухаммад Ал-Хоразми” номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлди;

- Кафедра бакалавриат талабалари Д.Ибрагимова ва М.Махамаджоновлар 2017 йилда ҳамда Ю.Истамов 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги” томонидан таъсис этилган стипендия совриндори бўлишди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ҳам ўз фаолиятлари доирасида турли халқаро ва республика танловларида муваффақиятли иштирок этишиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келишмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳар йили ўтказиб келинаётган йилнинг энг яхши педагоги Республика босқичида 2017 йида С.Бекназарова “Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог”, 2018 йилда Ш.Қосимова “Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог”, 2018 йилда Б.Тўраев “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” номинациялари бўйича биринчи ўринни қўлга киритишди.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2016 йилда ўтказилган “Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи” республика танловида муаллифлар Ф.Нуралиев ва Б.Тўраевлар «Компьютер графикаси ва дизайн» ўқув қўлланмаси учун II даражали диплом билан тақдирланишди.

Булардан ташқари кафедра доценти С.Бекназарованинг халқаро ва республика миқёсида эришган куйидаги ютуқларини алоҳида эътироф этиш лозим. У 2016 йилда “Фан хамкорлиги” (Ростов-на-Дону, Россия федерацияси) халқаро тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган “Эътироф” Фан ва таълимдаги юксак ютуқлари I Халқаро танловида иккинчи ўрин соҳибаси, 2018 йилда Республика “Йил аёли” танлови якунларига кўра “Гран-при” соҳибаси бўлди ва 2017 йилда Россия Федерациясининг Табиий ва аниқ фанлар академиясининг Халқаро олимлар, ўқитувчилар ва мутахассислар Ассоциацияси тамонидан техника ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган 35 ёшгача бўлган олимлар ўртасида танловда “Фан ва техникада хизмат кўрсатган арбоб” халқаро унвони билан, 2017 йилда Европа илмий-ишлаб чиқариш конкорциумининг унвонлар ва тақдирлаш департаменти хулосасига биноан “Исаак Ньютон” («Isaac Newton») медали билан тақдирланди.

Кафедрадаги профессор-ўқитувчилар томонидан кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан фаннинг турли соҳалари бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари Халқаро ва Республика миқёсида ташкил қилинаётган конференциялар тўпламларида, халқаро ва республика илмий журналларида чоп этилмоқда. 2015 йилда кафедра ўқитувчиси С.С.Бекназарова фан доктори илмий даражасини олиш учун «Ахборот ресурсларига TIAV-мултимедиа тизимларида дискрет-узлуксиз ишлов бериш жараёнларини моделлаштириш усуллари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кафедра доценти Ф.М.Нуралиев техника фанлари доктори илмий даражасини олиш учун 2016 йилда “Электромагнит майдонларнинг юпқа электр ўтказувчан жисмларнинг деформацион ҳолатига таъсир этиш жараёнларини R-функция усулида математик моделлаштириш” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кафедра доценти Ш.А.Анарова 2018 йилда “Мураккаб конфигурацияли стерженларнинг фазовий юкланиш масалаларининг чизиқли ва геометрик ночизиқли математик моделлари ва ечиш алгоритмлари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кафедра катта ўқитувчиси Б.З.Тўраев 2018 йилда педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун “Информатика ва ахборот технологиялари соҳаси педагоглариининг умумқасбий фанлар интеграциясида касбий компетентлигини шакллантириш” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилди.

Кафедранинг ёш ассистентлари ҳам илмий изланишлар олиб боришиб, ўзларининг тадқиқотлари натижаларини Республика ва халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган конференцияларда маърузалар қилмоқдалар.

Кафедранинг умумий илмий йўналиши мавзуси сифатида “Аудио-видео маълумотларни қайта ишлаш усул ва алгоритмлари ва уларни тадқиқ қилиш” танланган. Шу мавзу доирасида бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг грантлари асосида қуйидаги лойиҳалар амалга оширилган ва ошириб келинмоқда.

2015-2016 йилларда техника фанлари доктори, доцент Ф.М.Нуралиев раҳбарлигида А5-026 «Mediaedu.uz медиатаълим тизимининг моделлари, алгоритмлари ва дастурий комплексини яратиш» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида бир қатор илмий мақолалар, битта монография чоп этилди ва ишланган дастурий маҳсулот учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

2017-2018 йилларда кафедра доценти Ш.А.Анарова раҳбарлигида БА-А5-014 «Разработка автоматизированной технологии аналитического описания сложных фрактальных структур на основе теории R-функций и арифметических свойств» лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳа доирасида ҳам бир қатор илмий мақолалар, битта монография чоп этилди ва ишланган дастурий маҳсулот учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

2018 йилда кафедра доценти С.С.Бекназарова раҳбарлигида 2018-2020 йилларга мўлжалланган БВ-Атех-2018-267- «Халқаро тўлов тизимлар интеграциялашган миллий электрон майдончасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш» лойиҳасида кафедра профессор-ўқитувчилари иштирок этишмоқда.

Ўқув жараёни сифатини ошириш, ўқув жараёнининг ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш мақсадида кафедрада республикамизнинг бир қатор ишлаб чиқариш, илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан яқин алоқалар йўлга қўйилган. Бу корхоналарда талабаларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётлари ташкил этилиб келинмоқда. Олий таълим муассасалари билан эса ўқув жараёнини ташкил этишда ўзаро фикр алмашилиш, ҳамкорликда ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш ва чоп этиш ишлари йўлга қўйилган.

Моддий-техник базани замонавий қурилмалар билан жиҳозлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

бошчилигида “Тошкент ахборот технологиялари университети ўқув медиамарказини яратиш” лойиҳаси JICA ва JICS Япониянинг халқаро ҳамкорлик тизими билан амалга оширилмоқда (2015-2019 йй.).



Ҳамкорлик йўлга қўйилган ташкилотлар ва олий таълим муассасалари

Ривожланган давлатлар олий таълим муассасалари ижобий тажрибаларини ўрганиш, бу ютуқларни таълимни ташкил этишда қўллаш мақсадида бир қатор чет давлатларнинг олий таълим муассасалари ва ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳамкорлик доирасида кафедра ассистенти О.Нарзуллаев 2014 йилда Жанубий Кореянинг INHA университетида Рақамли тасвирларга ишлов бериш ва тасвирларга параллел ишлов бериш фан йўналишлари, кафедра ассистенти С.Қурбонов 2016 йилда Жанубий Кореянинг Seoul TECH университетида видео монтаж, 3D моделлаштириш, компьютер графикаси фан йўналишлари бўйича малака ошириш курсларини ўтиб келишди ва олган тажрибаларини бугунги кунда таълим жараёнида қўллаб келишмоқда. 2016 йилда Университет ва Жанубий Кореянинг KUMA университети билан имзоланган меморандум доирасида кафедра мудири А.Мухаммадиев ва кафедра ассистенти Ф.Саидовлар KUMA да ёзги курсларда иштирок этиб, кадрлар тайёрлашдаги тажрибаларини ўрганиб келишди. 2018 йилда кафедра доценти Ф.М.Нуралиев Хитой Халқ Республикаси Ухань илмий текшириш институти дастури асосида 3D технология бўйича ҳамда Жанубий Корея Республикаси ETRI ташкилоти билан тузилган ҳамкорлик меморандуми доирасида тажриба алмашиб келди. 2019 йилда кафедра ассистенти Ж.Модуллаев Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника институтида малака

ошириш курсида бўлиб, компьютер графикаси, инженерлик графикаси, уч ўлчовли моделлаштириш фан йўналишлари бўйича бир қатор услубий материаллар ва уларни талабаларга етказиб беришдаги замонавий технологиялар билан танишиб келди.



KUMA ва кафедра профессор-ўқитувчилари семинари



Кафедра ассистенти Ж.С. Модуллаев Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника унверситети профессор-ўқитувчилари билан

“ТЕЛЕСТУДИЯ ТИЗИМЛАРИ ВА ИЛОВАЛАРИ” КАФЕДРАСИ

2011 йил 1 августдан эътиборан “Телевизион технологиялар” факультети таркибида “Телевидение, радио эшиттириш студиялари ва жихозлари” кафедраси фаолият юритмоқда. 2013 йилда “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси номи билан қайта ташкил этилди. Кафедрага 2012 йилдан Ўзбекистон кино арбоблари, журналистлари ва Россия кинематографистлари Уюшмаси аъзоси Батир Жолдасович Базарбаев мудирлик қилиб келмоқда.



Кафедра мудир Б.Ж.Базарбаев

Ушбу мутахассислик кафедрасида 2009 – 2012 йилларда қуйидаги: “Кинотелеоператорлик”, ва “Махсус ёритиш техно-логиялари” таълим йўналишлари бўйича МТРК корхоналари учун бакалаврлар тайёрланган. Бу йилларда кафедра ўқитувчилари томонидан “Кинотелеопера-торлик маҳорати”, “Фотометрия ва рангшу-нослик”, “Кино ва ТВда драматургия ва режиссура асослари”, “Ёритувчи қурималар”, “Кинокомпозиция”, “Рақамли фотография асослари”, “Кино ва ТВда монтаж асослари”, “Ёритиш технологиялари”, “Фильм ишлаб чиқаришда менежмент асослари” каби ихтисослик фанлари ўқитилган. Кафедранинг таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларини шакллантириш, таълим стандарт-ларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқув режасидаги фанларнинг ўқув-услубий таъминотини шакллантириш ва кафедра ўқув-услубий фаолиятини йўлга қўйишда факультетнинг биринчи декани А.Д.Абдурахимов, ўқув ишлари бўйича декан муовини Ф.М.Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон киноарбоблари уюшмаси аъзоси, Тошкент давлат санъат ва маданият институти “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедраси профессори А.И.Исмаиловларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиш лозим.

2010-2011 ўқув йилида 2-босқич махсус сиртки ва кундузги таълим талабалари учун ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ҳамда ихтисослик фанларини ўқитишда шу вақтдаги “Физика” кафедрасининг мудир физика - математика фанлари доктори, профессор Қ.П.Абдурахманов, “Компьютер тизимлари” кафедраси мудир техника фанлари доктори, профессор М.М.Мусаев, “Телевидение ва радиоэшиттириш” кафедраси мудир профессор Т.Г.Рахимов ва шу кафедранинг доценти М.З.Зупаров, “Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти” кафедраси мудир техника фанлари доктори, профессор А.Х Нишановлар ўз ҳиссаларини қўшдилар.

2013 йилда «Телевидение ва радиоэшиттириш студиялари ва жиҳозлари» кафедраси асосида «Телестудия тизимлари ва иловалари» ихтисослик кафедраси қайта ташкил этилди. Кафедрага янги бакалаврият таълим йўналиши «Телевизион технологиялар (Телестудия тизимлари ва иловалари)» бўйича бакалаврлар тайёрлаш амалга оширила бошланди. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан бу йўналишнинг таълим стандарти замон талаблари асосида ишлаб чиқилди ва шу асосда намунавий ўқув режа ва ишчи ўқув режалардаги умумқасбий ва ихтисослик блокларига бутунлай янги фанлар киритилди. Кафедралар профессор-ўқитувчилари томонидан бу фанларнинг намунавий дастурлари ва у асосида ишчи дастурлар тайёрланди. Таълим йўналиши ўқув режасидаги фанларнинг ўқув-услубий мажмуалари, лаборатория ва амалий машғулотларни ўтказиш бўйича услубий кўрсатмалар тайёрланиб нашр этилди.



Кафедра профессор-ўқитувчилари ва ходимлари

«Телестудия тизимлари ва иловалари» кафедраси ташкил этилгандан бошлаб Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Телевизион технологиялар» («Телестудия тизимлари ва иловалари») таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайди. Таълим йўналишини битириб чиққан талабалар келажакда Телевидение ва кино соҳаларида кинооператор, телеоператор, видео монтажчи ва шу каби мутахассислар сифатида фаолият кўрсатишлари мумкин. Бу таълим йўналишини ҳар йили 60-70 нафарга яқин бакалавр талабалар битириб чиқмоқдалар. Уларнинг аксарияти бугунги кунда Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг телерадиоканал-ларида, тармок корхоналарида, вилоятларда жойлашган ҳудудий телерадиоканалларда ва юртимизнинг турли вилоят ва шаҳарларида кино, видео ва медиа санъат турлари билан боғлиқ хусусий

фирмалар ва телеканалларда турли лавозимларда хизмат қилиб, самарали ижодий фаолият билан шуғулланиб келишмоқда.

Битирувчи талабалар битирув иши сифатида қисқа метражли бадиий фильм, хужжатли фильм, илмий-оммабоп фильм, фильм-портрет, реклама роликлари, мусикий клиплар тайёрлашади. Улар соҳа корхоналари томонидан муносиб баҳоланмоқда.



Кафедра профессор-ўқитувчилари битирувчилар даврасида

Бугунги кунда Ўзбекистон МТРК телеканалларида бош оператор ва оператор сифатида фаолият кўрсатаётган С.Нажмидинов, Ҳ.Исмоилов, Э. Абдукамилов, Ш.Шоҳафизов, А.Илмурзин, Н.Музаффаров, О.Розиқов, И.Исломов, Б.Юлдашев, Андижон вилоят ТРКда Ҳ.Жакпаров, Э.Хусанов, Сурхондарё вилоят ТРКда Н.Амондуллаев, Қашқадарё вилоят ТРКда “UzReport” хусусий телеканалда Г.Джурабаева, Ўзбекистон Диний Кўмитаси қошидаги “Muslim.uz” студиясида оператор ва монтажчи сифатида фаолият юритаётган Ш.Абдуҳалилов, Университетнинг “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедрасида педагогик фаолиятини юритаётган Г.Тошмухамедова, А.Чоршанбиев, Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежида педагогик фаолиятини юритаётган Н.Дехқоновалар ва ТТИ кафедраси ходимлари А.Каримбаева ҳамда С.Хазраткуловалар кафедра таълим йўналишларини битирган истеъдодли ёшлар жумласидандир. Ҳаммаси бўлиб қарийб 200 дан ортиқ ёшлар бугунги кунда Ватанимиз кино ва телевидениеси равнақи учун меҳнат қилмоқдалар.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўтган вақт мобайнида таълим йўналиши ўқув режасидаги фанлардан 30 дан ортиқ дарсликлар, ўқув-услубий

қўлланмалар, ўқув-услубий кўрсатмалар тайёрланиб, чоп этилган. Ўқув режасидаги асосий фанлар учун Б.Ж.Базарбаев, К.С.Хидирова, Г.Х.Ташмухамедова, Н.М.Маризаевалар томонидан тайёрланган “Рақамли фотография” номли, Б.Ж.Базарбаев, Г.Х.Ташмухамедовалар томонидан “Цифровая фотография” номли, А.Д.Абдурахимов, Т.П.Кучкарбеков, К.С.Исмоилов, Н.Р.Сабуровалар томонидан “Фильм ишлаб чиқариш ва менежмент асослари” номли дарсликлар, Б.Ж.Базарбаев, Г.Х.Ташмухамедова томонидан “Кинотелекомпозиция қуриш технологиялари” номли, Б.Ж.Базарбаев, К.С.Исмаилов томонидан тайёрланган “Рақамли кинематография ва таҳрирлаш” номли, Мамадалиев А.И. томонидан тайёрланган “Кино ва телевиденияда ёруғликни ва рангни компьютерда бошқа-риш” ўқув номли, Ш.Т. Хусанов томонидан “Монтаж” номли, И.П.Парман-кулов, Б.Ж.Базарбаев, Г.Х.Ташмухамедовалар томонидан “Фотометрия и цветоведение” (гриф асосида) номли ўқув қўлланмалар чоп этилди. Дарслик ва ўқув қўлланмалар аксариятининг электрон нусхаларидан талабалар “Зиёнет” тармоғи орқали фойдаланмоқдалар.

Кафедрада ўқитиладиган фанларнинг амалий машғулотларини ўтиш учун замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланган ўқув лабораториялари ташкил этилган.



«Фотолаборатория» (305В) хонаси



Лаборатория машғулоти жараёни

Талабаларнинг олган назарий билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида ва уларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб “Телестудия тизимлари ва иловалари” кафедраси ташаббуси билан 2014 йилдан бошлаб мунтазам равишда талабалар орасида фото ва видео ишланмалар танлови ўтказилмоқда. Голиб бўлган талабалар эсдалик совғалар билан тақдирланмоқдалар. Иқтидорли талаба Ю.Истамов 2018 йили ўтказилган "MICROSOFT" ва ТАТУ ташаббуси билан республика миқёсида ўтказилган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" ярмаркасида "Энг яхши мобил илова" номинацияси бўйича ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ ташаббуси билан республика миқёсида ўтказилган "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" ярмаркасида "Энг яхши илмий мақола муаллифи" номинацияси бўйича ҳам 1-ўринларни эгаллади.

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежининг Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежининг “Телеоператорлик”, “Махсус ёритиш технологиялари”, “Монтаж”, “Овоз оператори” бўлимларининг ўқувчиларига мунтазам равишда маҳорат дарслари ўтилмоқда.

Кафедрада Ш.Т.Хусанов раҳбарлигида “Монтаж” бўйича, А.Чоршан-биев раҳбарлигида “Фотография” бўйича тўғарақлар фаолият юритмоқда.

Кафедра ўқитувчилари университет томонидан ташкиллаштирилган барча тадбирларни ОАВ да ёритиш масалалари билан шуғулланиб, МТРК каналлари, UzReport ва МУ5 телеканаллари билан мунтазам равишда ҳамкорлик қилмоқдалар. Шунингдек кафедранинг бир қатор профессор ўқитувчилари газета ва журналлар ҳамда интернет саҳифаларида ўқув жараёнидаги янгиликлар билан таништириб бормоқдалар.

Тадбирларни фотосуратга ва видеога олиш ишларида ҳам кафедранинг аъзолари ва талабалари фаол иштирок этмоқдалар.

Телестудия тизимлари ва иловалари кафедраси мудири Б.Ж.Базарбаев – Huawei компанияси номдор премияси совриндори - унинг раҳбарлигида талаба Т.И.Гимранов тайёрлаган ҳужжатли фильм – IX – “Кино ва телевидениеда спорт” Тошкент Халқаро Фестивалида диплом совриндори бўлди.

Кафедра ўқитувчилари ва талабалари билан Республикамизда ва Ҳамдўстлик мамлакатларида хизмат кўрсатган кинорежиссерлар, кинооператорлар ва киноарбобларининг мунтазам равишда учрашувлари ва маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон телерадиоканали бош редакторининг ўринбосари Г.Ибрагимова, таниқли киноижодкорлар Ш.С.Аббосов, Ф.Давлетшин, Э.Р.Давыдов, Ж.Исхаков ва М.Исхакова, қирғистонлик кинорежиссёр Т.Бирназаров, таниқли ўзбек режиссери, ҳозир Россияда ижодий ишларини давом эттираётган А.Хамраев лар маҳорат дарсларини ўтиб бердилар

Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, олинган натижалари Халқаро ва Республика миқёсида ташкил қилинаётган конференциялар тўпламларида, халқаро ва республика илмий журналларида чоп этилмоқда.

Кафедранинг ёш ассистентлари ҳам илмий изланишлар олиб боришиб, ўзларининг тадқиқотлари натижалари билан Республика ва халқаро миқёсда ўтказиб келинаётган анжуманларда иштирок этишмоқда.

Кафедранинг профессор-ўқитувчилари “Медиа таълим технологияларини ва “Масс-медиа”да операторнинг ролини ўрганиш ва уларни тадқиқ қилиш” илмий йўналишлари бўйича иш олиб боришмоқда.

Жумладан кафедрада мунтазам равишда “Фотокўргазмаларни ташкил этиш”, “Телевизион студияларда ёритиш конун-қоидаларидан фойдаланиб тасвирнинг сифатини яхшилаш йўли билан сарфланадиган электр қувватини 40-50 фоизга қисқартириш”, “ТАТУнинг иқтидорли талабалари ва профессор-ўқитувчилари фаолиятини ОАВда ёритиш”, “Иқтисод факультетининг фаолиятини ёритиш”, “Алоқа музейи тарихи ва фаолиятини ёритиш” мавзулари бўйича амалий лойиҳалар бажарилди.

Кафедра профессор-ўқитувчилари ўқув жараёни билан биргаликда қуйидаги амалий лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

1. “Университет ўқув медиамарказини ва республика фотокўргазма-ларни жиҳозлаш, катта мажлислар залида сифатли видеоселекторлар намоишларни ва

кафедрада мутахассислик фанлар бўйича видеодарсларни ташкил этиш” лойиҳаси (Раҳбар Б.Ж.Базарбаев) амалга оширилмоқда.

2. ЮНЕСКОнинг “Лаосда, Ўзбекистонда ва Руандада маданий ва креатив индустрияни мустаҳкамлаш” лойиҳасида кафедра мудири Б.Ж.Базарбаев қатнашмоқда.

3. Кафедра Япония ҳукуматининг “ЈСА” фонди билан университет ўртасида тузилган «Ўқув Медиа-марказ»ни яратиш бўйича лойиҳада фаол иштирок этмоқда.


Кафедра МТРКнинг Тошкент шаҳридаги ва вилоятлардаги корхоналари, хусусий телеканаллар, жумладан “Узрпорт” хусусий нодавлат ахборот ва футбол канали, Ўзбеккино миллий агентлиги, Ўзбекистон бадиий академияси "Фотография уйи", илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан мунтазам равишда ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда.. Бу корхоналарда талабаларнинг ўқув, ишлаб чиқариш ва битирув олди амалиётларини ўташлари ташкил этилган. Олий таълим муассасалари, хусусан Тошкент давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат рассомчилик институтилар билан эса ўқув жараёнини ташкил этишда ўзаро фикр алмашиниш, ҳамкорликда ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш ишлари йўлга қўйилган.

